



Фитрат бу асарларни йиглаб, хайкириб ёзган эди, зиёлилар ҳам уни йиглаб, хуррият учун курашиш хакида касамёд килиб ўкиганлар. Аммо, афсуски, ўзбек халки Феврал инкилоби берган тарихий имкониятдан фойдалана олмади.

Маълум бўлишича, Фитрат 1918-йилда ёзган «Юрт кайгуси» номли тўртта шеърдан ташкари, 1920-йилда ҳам шу номда яна бир сочмани ёзган экан. Бу Фитратнинг «Тенгиз» тахаллуси билан ёзилган асари бўлиб, «Бухоро ахбори» газетасининг 1920-йил 5-октябр сонидида босилган ва яқинда адабиётшунос Сирожиддин Ахмад томонидан матбуотда эълон килинди. Асарда Бухоро амири тахтдан ағдарилгандан кейинги тарихий давр манзаралари тасвирланади.

Бу шеърнинг топилиши Фитратнинг Туркистон Мухторият ҳукумати шафкатсиз равишда тор-мор этилганидан кейин ҳам эрк ва хуррият учун фаол кураш олиб борганидан дарак беради.

Фитрат худди шу фаолияти учун — ўз ватанининг мустақиллиги йўлида изчил фаолият олиб борганлиги учун дастлаб адабиёт олаmidан узоклаштирилди, ёзган асарлари нашр этилмади, 1937-йилда эса «халк душмани» сифатида айбланиб отиб ташланди.

Аммо бутун ҳаёти ва ижодини мустақиллик учун курашга тўла-тўқис бағишлаган, «Юрт кайгуси» сингари халкни озодлик учун курашга даъват этувчи шеърлар, насрий асарлар ва драмалар ёзган Фитрат доим халк хотирасида барҳаёт қолади.

— Она! Нечунгина йиглайсан? Бугун саодатга эришдик, яна кайгурасанми? Бугун ўз тилагингга етишдинг, кўз ёшларингни тўкадирсанми?

Эмди кайгурмок чоғи битди, йигламок палласи йўк бўлди, роҳат кунларинг етишди, онам!

— Ох... ўғлум, арслоним! Мустабид ҳукумат уйимни талатди: буюк биноларимни йикитди: суюкли ўғлонларимни ўлдурди.

Тахаммул этдим, сабр килдим, кимсага бир огиз сўз бу тўғридан очмадим. Негаким, кўлларинда килич, ўмузларинда тўфанг, мани ўлдирмокка хозир эдилар. Дунёнинг мукофот эканлигин билган эдим.

Билар эдимки, бу золимлар бир кун килгон зулмларининг мукофотини кўрарлар.

Билардимки, тўкилган конларнинг ҳар бир томмасидан бирор арслон яратилуб бунларнинг конларини ичарлар.

Кўзлари кўр, кулоклари қар бўлиб оналарини тонимайдилар, юрагимни тешадирлар, бағримни парчалайдилар. ўзларини тарбия килиб етиштирган оналарини йўк бўлувига

сабаб бўлдилар.

Ўйламас ўгилларим бутун бир кутимни ётларга талатиб, номусимни гайриларнинг оёғи остинда олдилар.

Бўйла оналарига душманликлари ўз бошларига етди, букун кўруб тўргон мукофот у килгон зулмларига карши эди.

Шу давлат, шу гурурларига маст бўлгон хоинларнинг касофати тегди. Бутун уйимни ёндирдилар, юрагимдан алангалар чига бошлади, буюк биоларим ёниб битди.

Гўзал-гўзал масжидларим кул бўлди. Золимга карши отилган тўплар маним том юрагимни тешди, у мустабидларга карши отилгон тўфанглар мани хавфга солди.

Нима килайин, ох, мингларча гунохсиз маълум ўғлонларимни ноҳак ерда конлари тўкилди, канча оналар боласиз ва неча ўғлонлар онасиз колди.

— Онажоним! Йиглама, душманлар махв бўлди, у мустабид кон ичувчилар битирилди. У мустабидлар кўлиндан очилгон яраларингни тузатмак учун дўктурлар хозирланиб, захмлар тузатилди.

Эмди йиглама. Санинг саодатингни чин кўнгулдан истаб юргон болаларинг холингни сўргали келдилар. Тур! Йигламок ўрнида бир оз кул.

— Ох, арслон ўғлонларим! Эмди чин суюкли ўғлонларимни кучогинда ётайин. Ох, мен сизни бу кунларим учун етиштирган эдим. Маним эмканиб тарбия килгон чокларимни эсингиздан чикармайсиз.

Абдурауф Фитрат

«Бухоро ахбори» газетасининг 1920-йил 5-октабр сонида босилган.